

**Шартнома № 1**

**Нурота туман**

**11.03.2022 йил**

"NUR GOLDEN FRUITS " МЧЖ (бундан буён "Сотувчи" деб юритилади) номидан устави асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар О.Хамидов хамда иккинчи томондан Нурота туман ҳокимлиги (бундан буён "Харидор" деб юритилади) номидан низоми асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар Ш.Рустамов ушбу шартномани кўйидагича туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

1.1 Ушбу шартнома бўйича "Сотувчи" "Харидор" нинг буортмасига асосан белгиланган товарларни етказиб беради."Харидор" эса ушбу Товарларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2 Товарлар "Сотувчи"нинг мулки хисобланади, у гаровга кўйилмаган ва учинчи шахснинг дарьволаридан холидир.

1.3 "Сотувчи" ва "Харидор" учун: (товарнинг номи, маркаси, артикули)

Тр	Махсулот номи	Ўлчов бирлиги	Хажми (микдори)	Нархи	етказиб бериш нархи	ККС		Умумий суммаси
						ставка	сумма	
1	Швейная машина-Оверлок	дона	1	6043478	6043478	15	906522	6950000
2	Глубинный насос: 4SG	комп	1	1869565	1869565	15	280435	2150000
3	Сварочный аппарат: CLASSIC 350	дона	10	1042609	10426087	15	1563913	11990000
4	Швейная машина: AURORA STULE 70	дона	19	1904348	36182609	15	5427391	41610000
5								
6								
7								
8								
9								
10								
11								
<b>Жами:</b>				<b>54,521,739</b>	<b>8,178,261</b>	<b>62,700,000</b>		

Сумма : 62700000 ( Олтмиш икки миллион етти юз минг ) сўм; Шу жумладан 8178261 сум ККС

**II.ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

"Сотувчи"нинг мажбуриятлари:

2.1.Шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган микдордаги ва сифатдаги товарларни "Харидор"га юк хати билан топшириши.

2.2.Агарда шартнома шартларига мувофик деб топилса, товарларни ташиб бериши.

"Харидор"нинг мажбуриятлари:

2.3.Товарларни 12 соат муддатда кўздан кечириш.Махсулотларни мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган такдирда,"Харидор" Товарларни қабул қилмайди.

2.4.Товарларни қабул қилганилиги тўғрисида ҳар ҳафта якуни билан 1 та ишонч қоғози билан расмийлаштириш мажбуриятынни олади.

2.5. Шартномада белгиланган тартибда Товарлар ҳақини тўлайди.

**III.ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ.**

3.1. Мазкур шартнома суммаси 62700000 ( Олтмиш икки миллион етти юз минг ) сўм; Шу жумладан 8178261 сум ККСни ташкил этиб товарнинг ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб - китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30 % тўлаш ва махсулот қабул килинган пайтдан бошлаб 10 кун ичida колган кисмини тулаш йули билан амалга оширилади.

3.3. "Сотувчи"нинг айби билан "Харидор" Товарларни кўздан кечириш имкониятига эга булмаса,Товарларни ҳақини тўлашни кечикиришга ҳақли.

**IV.МАХСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.**

4.1. Ушбу шартнома шартларига мувофик "Сотувчи" томонидан "Харидорга" махсулот тўлиқ етказилади.

4.2.Товарларнинг тасодифан нобуд бўлиши махсулотни топширилган пайтдан бошлаб "Харидор"га ўтади.

4.2. Товарларни топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар "Сотувчи" сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.

4.3 "Харидор" товарларни қабул қилиб олишда махсулот микдорининг камлиги, сифатсизлиги аниқланган такдирда ушбу махсулотларни қабул қилиб олмаслик хукуқига эга.

**V.ШАРТНОМА БАЖАРИШ МУДДАТИ.**

5.1.Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб ва Нурота туман бўйича Ғазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтгандан кейин конуний кучга киради ва амал килиш муддати 31.12.2022 йилгача этиб белгиланади.

**VI.ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

6.1.Махсулотларини топшириш муддатини бузганлик учун айборд тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0.2% микдорда жарима тўлайди:

6.2.Тўловни кечикирилганлиги учун "Харидор" ҳар кечикирилган кунга тўловни кечикити- рилган сумманинг 0,2 % микдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмаган микдорда тавон тулайди.

6.3. Бокимандани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбурияларини бажаришдан озод қилмайди.

6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун хужожатларига мувофик белгиланади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ.

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.

7.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони хал этиш имконияти булмаган тақдирда Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1 Томонларнинг хошиш - истагига мутлақо боғлик бўлмаган ҳолларда (Нокулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошкини ва бошқа табиий оғатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки кисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган) лиги шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб хисобланмайди ва ушбу холатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечикирилади.

## IX.БОШКА ШАРТЛАР.

9.1.Шартнома тарафларнинг узаро келишувига мувофик ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан факат хўжалик судининг қарорига биноан бекор қилининиши ва ўзгартирилиши мумкин.Шартномани бир тарафлама бекор килиш ёзма таклиф бериш йули билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сунг 30 кунлик муддат ичдиа унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш хақидаги талабни судга тақдим этиши мумкич.

9.2. Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошка реквизитлари узгарганилиги хакида бир - бирларини 3 кунлик муддатда хабардор килишлари шарт.

9.3. Шартномага хар кандай узгартириш ва қушимчалар ёзма равища бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган холдагина хақиқийдир.

9.4 .Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккалasi хам бир хил юридик кучга эга хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

9.5.Шартномага иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.

### ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

"Харидор".

Нурота туман ҳокимлиги

Юридик манзилгоҳ: Нурота шаҳар X.Худойкулов кӯча 48 ўй

Телефон: 8 436 52 3 13 42

Хисоб рақам: 305022860122387109601018001

Банк номи: Тошкент шаҳар Марказий банк XXKA

Банк коди (МФО): 00014

ИНН: 0000030962

Рахбар туман мажлиси Газначилик бўлинмаси

Газначилик мансублариниң мансублари: 23402000300100001010

Сертификат №: 101122919

Рахбар туман мажлиси Газначилик бўлинмаси

Газначилик мансублариниң мансублари: 23402000300100001010

Сертификат №: 101122919



Рахбар  
М. Ў  
Юрист:  
Хамидов  
М. Ў

Хамидов  
М. Ў

Хамидов  
М. Ў

Ф.И.О.



## NAVOIY VILOYATI NUROTA TUMANI НОКИМЛИГИ

210700, Nurota t., Islom Karimov sh.k 48, tel: (79)523-13-42, nurota@nv.uz  
2022-yil 11- маарий 8-1. -son

### ЮРИСТ ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Конуннинг 20,21-моддаларига ва амалдаги бошқа конун ҳужжатлари талабларига асосан “NUR GOLDEN FRUITS” МЧЖ 2022 йил 11 марта 62700000 (Олтмиш икки миллион етти юз минг) умумий суммадаги №01-сонли шартномани ўрганиш натижалари бўйича куйидагиларни билдираман:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Конунн талаблари асосида тузилган (6-модда. Хўжалик шартномасида тарафларнинг хуқуклар, 7-модда. Хўжалик шартномасида тарафларнинг мажбуриятлари, 24-модда. Хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги, 35-модда. Шартнома мажбур ияtlарини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги.)

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Шартнома тушунчаси ва шартлари» 353,363-моддалари, «Шартнома тузиш» 364, 381- моддалари, «Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш» 382,385- моддалари, «Неустойка» (жарима ёки пеня) 260, 263-моддалари, (Мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган холларда тўлайдиган ва қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима ҳисобланади.) Ушбу шартнома икки томонлама келишилган ҳолда имзоланиб муҳланган (шартномага кўра икки томонда хам қўшимча ва эътиrozлар бўлмаган).

Юқоридагиларни инобатга олиб тарафларга Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги конуни 35- моддаси «Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги» яъни шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда Хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик хуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларининг тегишли моддаларига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилди.

Ушбу шартнома шартларнинг, тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни хал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатлари талабларига мос келади.

Нурота туман ҳокимлиги  
бош юрисконсульти

Э. Ҳусейенов

Э.Э.Ўралов